

“ФАТОВОЙИ ҲИНДИЙЯ” АСАРИ ВА УНИНГ ЁЗИЛИШ ТАРИХИ

Джуманов Абдулхамид Махаммадлатипович

Тошент ислом институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада улў аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг авлодлари ҳисобланмиш Султон Муҳаммад Аврангзеб Оламгирнинг ташаббуси ила кўпчиликка маълум бўлган “Фатовойи Ҳиндийя” асарининг ёзилиш тарихи ва у асарнинг тафсилотлари ҳақида тушунчалар берилган. Шунингдек “Фатовойи Ҳиндийя” китоби Ҳанафий мазҳабига доир китобларнинг жамланмасидир.

Калит сўзлар: Фатовойи Ҳиндийя, ҳанафий мазҳаби, фатволар, ҳидоя асари, Аврангзеб Оламгир, Мовароуннаҳр, Ҳиндистон.

INTRODUCTION

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби миллий-маънавий меросимизга бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Асрлар давомида халқимизнинг эътиқодини ўзида акс эттирган муқаддас динимиз асослари қайта тикланди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ота-боболаримиз дини бўлмиш Ислом динимизни қадрлаш, унинг таълимоти ва таъсири ҳаётимизни, маънавиятимизни янги маъно билан тўлдиришга хизмат қилмоқда”. Мана шу бой меросни ўрганиб ва чуқур таҳлил қилиб, ундаги олтинга тенг фикрларни ҳаётга тадбиқ қилиш муҳим омилга айланди.

Ислом фикри тарихида юксак баҳо берилиб юқори ўринларга муносиб кўрилган асарлар жуда кўп. Шулардан бири сифатида ҳанафий мазҳабини қарашларини ўз ичига олган “Фатовойи Ҳиндийя” номи билан машҳур бўлган шоҳ асарни келтириш мумкин. У “Фатовойи оламгирийя” деб ҳам номланади.

Асар юртдошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодидан бўлмиш, Шоҳжаҳоннинг Ҳиндистонда элик йилга яқин ҳукмронлик қилган учинчи ўғли Султон Муҳаммад Аврангзеб Оламгирнинг буйруғи сабабли Бурхонпурлик Шайх Низом (ваф.1090/1679) бошчилигида тўрт ёрдамчиси Шайх Важийҳуддин, Шайх Жалолуддин Муҳаммад, Қози Муҳаммад Ҳусайн ва Мулла Ҳамиддиндан иборат олимлар ҳайъатининг муштарак фаолияти билан (жами 23 киши)1664-1672 йиллар ўртасида ёзилган. Бу ташаббусга қўшилганлар орасида Шоҳ Валиюллоҳ Деҳлавийнинг отаси Шоҳ Абдурраҳим ҳам бор эди. Асар Шоҳ Оламгирнинг номига нисбатан “Фатовойи Оламгирийя” ҳам деб номланади.

Ҳукмронлик даврида ислом асосларини татбиқ этишга ва Пайғамбаримиз (с.а.в) суннатларини тиклашга ҳаракат қилган шахсий ҳаётида ҳам тақводор бўлган Султон Аврангзеб бу жараёни шахсан назорат қилиб турди. Уларга барча шарт-шароитларни яратиб, ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак бериб турди. Ҳайъат аъзоларига асарни ёзишда керак бўлган барча китоб ва манбаларни ҳозир қилиб берди. Уларга ойлик-маош ҳам тайинлади. Маълумотларда Шоҳ Аврангзеб асарни вужудга келиши учун 200.000 рупиялик сарф-харажат қилгани эътироф этилган. Асар ёзиб тугатилганидан сўнг султоннинг амри билан давлатнинг расмий мансабларида ҳам татбиқ этишга қўйилганди.

Шоҳ Аврангзеб 1619 йил 24 сентябрда (ҳ.1028 йил 15-зулқаъда ойида) Ҳиндистоннинг Гужурот вилоятидаги Давҳад шаҳрида туғилган. Унинг тўлиқ исми Абу Музаффар Муҳйиддин Муҳаммад Аврангзеб Оламгирдир. Онаси Мумтоз Маҳал бегимдир. Шоҳ Жаҳон тахтни эгаллагандан сўнг ёш Аврангзебни имом Раббонийнинг ўғли шайх Муҳаммад Маъсум Сарҳандий тарбиясига олади ва унга бор эътиборини қаратади. Натижада Қуръони каримни ёд олади, ҳанафий мазҳаби фикҳини ўрганади ва етук олим бўлиб етишади. У хаттотлик илмини ҳам мукаммал эгаллайди. У араб, форс ва турк тилини ҳам билимдони эди. Аврангзеб ёшлигиданоқ ака-укаларига нисбатан анча қобилиятли, совуққон, удабуронлиги билан ажралиб турарди. Аврангзеб ўқимишли ва билимдон киши бўлиб, талайгина ғазалларни ёддан ўқир, ўзи ҳам ғазаллар ёзарди. Аммо қаттиққўл, кучли, продалди киши эди. У шу билан бирга кучли саркарда ҳам эди. У ёшлигиданоқ уруш сирларини, жумладан камон отиш, қиличбозлик ва феллар билан жанг қилиш маҳоратини мустаҳкам эгаллади. Аврангзеб “Тахт зийнати”, “Тахт беағи” ва Оламгир эса “Оламнинг Саййиди”, “Оламни ислоҳ қилувчи” дегани.

Аврангзеб 49 йил ҳукмронликдан сўнг, 1707 йилда 89 ёшида Аҳмадобод шаҳрида вафот этади.

Ҳанафий мазҳабига доир бир қанча мўътабар манбалардан терилган “Фатовойи ҳиндийя” асарининг бобларини ёзилиш тартибида ҳанафийларнинг мўътабар китоби “Ҳидоя” китоби тартиби танланган. Фатвога ихтиёр қилинган шартларни ўз ичига олгани сабабли у “фатволар” деб номланди. Асар бир неча марта нашр этилган. Унинг хошиясида “Фатовойи қозихон” ва “Фатовойи баззозийя” китоблари ҳам мавжуддир.

Асарнинг ёзилишида фатво учун афзал деб топилган ва кучли ривоятлар (зоҳир ар-ривоя)га таянган қарашлар асос қилиб олинган. Заиф ривоятларга (наводир) таянган қарашларга эса масаланинг жавоби зоҳир-ар-ривояда бўлмаган ёки наводир қарашининг (оқимининг) фатво ишорасини ўз ичига олган ҳолларда ўрин берган. Ҳукмлар олинган жойларидаги асл матнлари ва манбалар зикр қилинган ҳолда берилган. Зарурат туғилмаганда эса ўзгартириш киритилмаган. Олинган матннинг ўзгартирилган ёки ўзгартирилмаганлиги муқаддимада келтириб ўтилган махсус (ишора) рамзий белгилар билан белгиланган. Бошқа мазҳабларнинг қарашларига ўрин ажратмаган. Асарда такрорланиш ва камчиликка кирилмаган, баъзи истиснолардан ташқари ҳукмларнинг далиллари келтирилмаган. Манбаларда бир масала ҳақида икки хил ҳукм берилган ҳолатларда эса ҳар иккисидан ҳам (афзал)лик муҳим ва фатво ишораси бўлса, ёки ҳеч бирида далилнинг кучини кўрсатадиган бир ишора бўлмаса ҳар икки ҳукм ҳам олинган. “Фатовойи ҳиндийя” Ҳиндистонда амалда бўлган ислом ҳуқуқий ва маъмурий тизимига асос солиш билан бирга, деярли ислом дунёсининг ҳар тарафида кўрилган турли ҳуқуқий тартиб ва қонунлаштириш ишларида ҳамда ислом ҳуқуқи билан боғлиқ бошқа тадқиқотларда мурожаат этиладиган асосий манбалардан бири бўлган. Инглиз мустамлакасига айлангунига қадар Ҳиндистонда ислом ҳуқуқининг татбиқ этилишида энг муҳим манба бўлган ва шу сабабли инглиз маҳкамалари томонидан ҳам эътибор қаратилган. “Фатовойи ҳиндийя”нинг бир қанча кутубхонадаги қўлёзмалари билан бирга ўзга нашрлари ва баъзи чет тилларига қисман ёки тўлиқ қилинган таржималари мавжуддир. Хусусан ЎзРФАШИ Қўлёзмалар хазинасида ҳам сақланмоқда.

Асар Аврангзебнинг қизи Зебунисо тарафидан форс тилига ҳам таржима қилдирилган. Саййид Амо Али Мелихободий (ваф.1917) нинг урду тилига қилинган таржимаси ҳам нашр этилиб, бош қисмида бир саҳифалик муқаддима бор. Асар инглиз ва турк тилларига ҳам таржима қилинган.

“Фатовойи ҳиндийя” ҳанафий қонунчилиги китоби бўлиб, Ҳиндистонда Марғинонийнинг Ҳидоясидан кейинги иккинчи ўринда туради. Китоб ёзишдан мақсад эса олдинги фақиҳлар томонидан ёзилган турли китоблардаги энг машҳур қарорларни систематик жойлаштирилган ҳолда тўплаш ва шу йўл билан қулай қўлланма яратиш эди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки “Фатовойи ҳиндийя” асари ҳанафий мазҳаби фикҳи борасида ёзилган муҳим манбалардан ҳисобланиб, у Ҳиндистон ва Мовароуннаҳр фикҳий анъаналарини ўзида мужассамлаштирган асардир. “Фатовойи ҳиндийя” асари соф ҳанафий қарашларини ўзида мужассам этган асар сифатида бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмаган.